

Кроме того, они активно участвуют в научных симпозиумах и международных выставках, где представляют свои исследования и разработки. Эти мероприятия предоставляют возможность обмена опытом с коллегами из других стран и способствуют продвижению новейших достижений в стоматологической науке и практике. Участие в таких мероприятиях имеет статус кафедры в качестве руководителя научного и образовательного

учреждения в своей области и проведении.

Вебинары и семинары, проводимые кафедрой, часто привлекают внимание как местных, так и международных специалистов, что способствует обмену опытом и внедрению новейших научных и практических разработок. Руководители кафедры активно участвуют в подготовке и проведении этих мероприятий, обеспечивая их высокое качество и значимость для профессионального развития участников.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ОРТОДОНТИЯ КАФЕДРАСИ ТАРИХИ

Проф. Нигматов Рахматулла Нигматович

Стоматология соҳасида халқаро талаблар ва стандартлар даражасида юқори малакали тиббиёт кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан ҳамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида ЎзР Президенти И.А. Каримовнинг “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида” Қарори эълон қилиниб, унда “Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш, шунингдек республика ҳудудларида Тошкент давлат стоматология институтининг филиалларини Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтлари стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институтининг Нукус шаҳридаги филиалининг стоматология факультети негизида ташкил этиш; Тошкент давлат стоматология институти ҳузурида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш” вазифалари белгиланган (Тошкент ш., 2014 йил 22 июль, ПҚ-2215-сон).

2014-2015 ўқув йилида Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилиши муносабати билан институт қошида 3 та стоматология факультети иш юрита бошлади. Булар: жарроҳлик йўналишидаги стоматология

факультети, даволаш йўналишидаги стоматология факультети ва болалар йўналишидаги стоматология факультети. Ҳар бир факультет таркибига 7 тадан кафедралар бириктирилди. Жами 21 та кафедрадан 11 таси ихтисослашган стоматология кафедралари ташкил қилинди. Булар: госпиталь терапевтик стоматология (каф. муdiri, проф. Х.П. Камилов), пропедевтик (факультатив) терапевтик стоматология (каф. муdiri, проф. О.Е. Бекжанова), юз-жағ жарроҳлиги (каф. муdiri, проф. А.А. Жилонов), травматология ва имплантология (каф. муdiri, доц. Ш.Ш. Кудратов), жарроҳлик стоматология (каф. муdiri, проф. Ш.Ю. Абдуллаев), госпиталь ортопедик стоматология (каф. муdiri, проф. Н.Л. Хабилов), факультатив ортопедик стоматология (каф. муdiri, доц. А.Н. Акбаров), ортодонтия ва тишларни протезлаш (каф. муdiri, проф. Р.Н. Нигматов), болалар юз-жағ жарроҳлиги (каф. муdiri, проф. Р.А. Амануллаев), болалар профилактик стоматологияси (каф. муdiri, доц. Ш.Б. Даминова ва болалар терапевтик стоматологияси (каф. муdiri, доц. С.С. Муртазаев).

Стоматология факультети жамоаси энг устувор масала сифатида ташкилий, ўқув, илмий, ўқув услубий ва даволаш ишларини жадаллаштиришни олдиға мақсад қилиб қўйди. Улар ўзлари эришаётган ютуқларини тезлик билан соғлиқни сақлаш амалиётига киритишни, сифатли стоматолог-шифокорларни тайёрлашни, талабаларнинг жамотчиликдаги ролини оширишни ва олий ўқув мактабининг олдиға қўйган вазифаларни бажаришни энг асосий масала деб билган.

Стоматологик йўналишдаги кафедралар ларни протезлаш кафедраси» ҳам ташкил орасида янги кафедра «Ортодонтия ва тиш-килинди (1-4-расмлар).



Расм. 1. Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси илк биноси (2014 йил)



Расм. 2. ТДСИ раҳбарияти ва кафедраларнинг маъсул ходимлари (2020 йил)



Расм. 3. ТДСИ ректори проф. Н.К. Хайдаров ОЎУЮ вазири ва ЎзР СС вазирлиги ходимлари билан институт семуляцион марказининг очилиш маросими (2020 йил).



Расм. 4. ТДСИ ректори проф. Н.К. Хайдаров бошчилигидаги жамоа (2023 й.)

«Ортодонтия ва тишларни протезлаш» кафедрасига тиббиёт фанлари доктори, профессор Рахматулла Нигматович Нигматов бошчилик қилиб келмоқда (5-расм).



Расм. 5. Профессор
Рахматулла
Нигматович
НИГМАТОВ
(1953 й.)

Нигматов Рахматулла 1953 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек. 1970 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди ва уни 1975 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу йилда институтнинг госпиталь ортопедик стоматология кафедрасида клиник ординатурага ўқишга кирди ва уни 1977 йилда тамомлагач, аввал врач-ортодонт, сўнг 1978 йилдан бошлаб кафедрада ассистент лавозимида ишлади.

Нигматов Рахматулла 1991 йилда Москва шаҳрида «Использование и оценка эффективности ионно-плазменной обработки стоматологических боров» мавзусида

номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Нигматов Р. 2006 йилда Тошкент шаҳрида «Состояние полости рта у больных с заболеваниями внутренних органов: диагностика, лечение и профилактика» номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий изланиш натижалари тиббиёт амалиётига тадбиқ этилди.

Р. Нигматов 2007 йилдан 2014 йилгача Тошкент тиббиёт академиясининг ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси профессори сифатида магистратура бўлими директори лавозимида ишлаб келди.

Рахматулла Нигматович 1980 йилдан 1987 йилгача стоматология факультетининг комсомол секретари, 1990 йилдан 1996 йилгача стоматология факультетининг декан мовуни лавозимида ишлади. 2000 йилдан 2014 йилгача у стоматология факультетининг илмий кенгаши аъзоси, факультет муаммо комиссияси аъзоси, «Стоматология» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. У узок йиллар давомида кафедрадаги ўқув-услубий ишларга раҳбарлик қилиб келди.

2000 йилдан 2015 йилгача Р. Нигматов Ўзбекистон стоматологлар Ассоциациясининг Президенти сифатида республикада

стоматологиянинг ривожланишига ва Ўзбекистон стоматологларини бутун жаҳон стоматологлари тан олишига катта ҳисса қўшди. Унинг бошчилигида 2003 йилда Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси Бутун жаҳон стоматологлар ташкилотига (Federation Dentistry International - FDI) аъзо бўлди (2015-220-расмлар). 2005 йилда Европа

стоматологлар ассоциациясига (European Regional Organization - ERO) аъзо бўлди (221-223-расмлар). 2011 йилда эса қўшни Осиё давлатлари стоматологларининг бирлашган Платформасига (Collaboration Platform with Neighboring Countries) ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди (6-15-расмлар).



Расм. 6. Federation Dentistry International (FDI) Конгресси вақтидаги учрашув (ўнгдан чапга: проф. Седунов А.А. (Қозғистон Республикаси), проф. Нигматов Р.Н. (Ўзбекистон Республикаси), FDI президенти Dr H-R Yoon (Корея), проф. Дурдиниязов М.К. (Туркменистан Республикаси), проф. Ирсалиев Х.И. (Ўзбекистон Республикаси) (2003 й.)



Расм. 7. Federation Dentistry International (FDI) навбатдаги Конгресси (Турция-2007). Марказда FDI президенти Dr. Michele Aerden (Бельгия)



Расм. 8. Federation Dentistry International (FDI) Конгресси вақтидаги учрашув (2012 йил). Пастда марказда Dr. Michele Aerden (Бельгия) ва FDI президенти Dr. Orlando Monteiro da Silva (Portugal)



Расм. 9. Federation Dentistry International (FDI) Конгресси вақтидаги учрашув (Туркия-2015 йил). Марказда FDI президенти Dr. Patrick Heslot (Франция), проф. Р.Н. Нигматов (ЎСА президенти) ва У.А. Набиев (ЎСА вице-президенти)



Расм. 10. FDI президенти Dr. Герхард Зеебергер (2019-2021 йй.)



Расм. 11. Federation Dentistry International (FDI) навбатдаги Конгресси қатнашчилари гуруҳи (2009)



Расм. 12. European Regional Organization (ERO) Конгресси вақтидаги учрашув Европа стоматологлар ассоциацияси Президенти Dr. Jose Font Vuxo (2007 й.)



Расм. 13. Европа стоматологлар ассоциацияси (European Regional Organization - ERO) аъзолари мажлиси (2010 й.)



Расм. 14. The meeting of ERO FDI WG "INTEGRATION" The 24th of April 2015, Tbilisi
Accepted on 28th September 2018, at 8th Neighbouring Countries Dental
Associations' Collaboration Platform Meeting, Ankara, Turkey



**Joint Statement of Neighbouring Countries Dental Associations'
Collaboration Platform**

Расм. 15. Осиё давлатлари стоматологларининг бирлашган Платформаси (Collaboration
Platform with Neighboring Countries) аъзолари мажлиси (2018 й.)

Бу даврда проф. Р.Н. Нигматов бошчилигида 3 та стоматологлар съезди (2005, 2010, 2015 йй.) ва 30 дан ортиқ халқаро миқёсдаги илмий-амалий стоматологик конференциялар ва стоматологик кўргазмалар ўтказилди. Ушбу конференцияларда Америка, Германия, Австралия, Канада, Франция, Чехия, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Озарбайжон, Қозағистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Белоруссия ва Украинанинг кўзга кўринган олим ва мутахассислари иштирок этдилар.

Проф. Р.Н. Нигматов 2007 йилдан Россия медико-техник академиясининг академиги,

ҳамда 2009 йилдан халқаро стоматологлар академиясининг [Academy of Dentistry International (ADI) Foundation] академиги ва 2024 йилда Американинг Пьер Фошар Академиясининг (Pierre Fauchard Academy) академиги этиб сайланди.

Проф. Нигматов Р.Н. олий малакалий шифокор сифатида Президент Девонига қарашли Ўзбекистон ССВ Бош даволаш бошқармасида маслаҳатчи бўлиб, 2007-2010 – йилларда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация комиссиясида илмий котиб вазифасида ва ТМА қошидаги Ихтисосланган Илмий Кенгашда раис

муовини вазифасини, 2009-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида тиббий фаолиятни лицензиялаш комиссиясида эксперт вазифасини ва ТМА ҳамда ТДСИ нинг муаммолар ҳамда монотематик комиссиялар аъзоси вазифаларини бажариб келди.

Кўп йиллик самарали меҳнатини ЎзР ССВ томонидан фахрий ёрликлар ва мактов ёрликлари билан тақдирлаган. 17 май 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланди. 2023 йилда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан "Олий таълим аълочилиси" кўкрак нишони билан мукофотланди.

2023 йил май ойида Тошкентда Евро-Осиё Республикалари Халқаро стоматологлар конгресси ўтказилди. Ушбу конгрессда ортопедик стоматология, умуман тиббиёт соҳасида эришган улкан ютуқлари учун профессор Вениамин Юрьевич Курляндский номидаги медал билан ТДСИ Ортопедик стоматология факультети профессори Ҳ.И. Ирсалиев ва ТДСИ "Ортодонтия ва стоматология протезлаш" кафедраси мудир, профессор Р.Н. Нигматов тақдирланди. Ушбу медални В.Ю. Курляндскийнинг набираси Елизавета Курляндская мукофотланганларга топширди (16-расм).



Расм. 16. Профессор Ҳ.И. Ирсалиев ва проф. Р.Н. Нигматовга В.Ю. Курляндский номидаги медални топшириш маросими.

Профессор Н.Р. Нигматов - ортопедик стоматология ва ортодонтиянинг илмий-амалий ва ўқув-услубий муоммоларига бағишланган 600 дан зиёд нашриётлар муаллифидир. Улардан 90 дан ортиғи чет элда нашр қилинган. Шу жумладан 12 та монография, 16 та дарслик, 51 та ўқув ва ўқув услубий қўлланмалар, 14 та Ўзбекистон Республикаси Патенти, 1 та авторлик гувоҳномаси ва 16 та рационализаторлик тақлифлари эгасидир. Унинг қўл остида 1 та докторлик, 6 та номзодлик диссертацияси ва 36 та магистрлик диссертациялари тайёрланган.

Рахматилла Нигматович Нигматов - кафедра

келажаги учун пухта замин яратиш мақсадида ортодонтия фанини севган истедодли ва қобилиятли ёшларни илмий, педагогик ҳамда профессионал ортодонт руҳда тарбиялаш принципида иш олиб бормоқда.

Доцент Шаамухамедова Феруза Абдулхаковна - мохир ортодонт, тажрибали педагог ва меҳрибон мураббий. Шаамухамедова Ф.А. 1945 йилда туғилган. 1968 йилдан 1970 йилгача Ўзбекистон санитария-гигиена ва профессионал патология илмий текшириш институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлади (17-расм).



Расм. 17.
Доцент Феруза
Абдулхаковна
ШААМУХА-
МЕДОВА
(1945 й.)

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ассистенти, 1988-2003 йй. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедрасининг катта ассистенти ҳамда 2003-йилдан Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедрасининг доценти.

1999 йилда “Зубочелюстные аномалии у детей с врождённой мышечной кривошей и ортодонтическая помощь в плане их комплексного лечения” мавзусида номзодлик диссертациясини (илмий раҳбар: проф. А.Д. Абдуазимов) ҳимоя қилган. ТДСИ хотин-қизлар кўмитаси раиси, кафедрада касаба уюшмаси ва хотин қизлар ишларига маъсул шахс. Кўп йиллар давомида институт, факультет ва кафедра фаолиятига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Доцент Ф.А. Шаамухамедова ортодонтия фанига оид ўқув-услубий материалларни жамлаш ва уларни янгилаб туришда бошқа педагогларга доимо ўрнак бўлиб келган. Доцент Шаамухамедова Ф.А. илмий-амалий ва ўқув-услубий муоммоларига бағишланган 110 дан зиёд мақола, 5 дарслик, 3 та монография, 8 та услубий қўлланмалар ва 8 та ўқув дастури муаллифидир.

1970-1972 йй. Ортопедик стоматология кафедрасида ортопедик стоматология мутахассислиги бўйича клиник ординатурани ўтди. 1972-1976 йиллари ортопедик стоматология поликлиникасининг врач-ординатори лавозимида ишлади. 1976 йилдан ташкил этилган болалар стоматология поликлиникасида врач-ортодонт вазифасига ўтказилди. 1985-1988 йй.



болалар стоматология кафедраси клиник ординатори; 1989-1991, 1997-2001 йиллари - Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология поликлиникаси шифокор-ординатори; 1991-1995 йиллари - Биринчи тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси аспиранти; 2005-2009 йиллари - Тошкент тиббиёт академияси ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ассистенти бўлиб ишлаган.

1998 йилда “Профилактика и лечение вторичных деформаций зубных рядов в области премоляров” мавзусида номзодлик диссертациясини (илмий раҳбар: проф. С.А.Зуфаров) ҳимоя қилган. 2014- йилдан Тошкент давлат стоматология институти ортодонтия ва тиш протезлаш кафедраси доценти. Гавхар Эркиновна ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси ўқув ишларига жавобгар.

Арипова Гавхар Эркиновна томонидан 80 дан ортик мақола, 5 ўқув қўлланма, 13 методик қўлланма, 4 патент ва 2 рационализаторлик таклифлар муаллифи.



19 Доцент
Саидазим
Саидагзамович
МУРТАЗАЕВ
(1976 й.)

Доцент Арипова Гавхар Эркиновна, 1962 йилда туғилган. У 1984 йили Тошкент давлат тиббиёт институти аъло баҳоларга битирган (18-расм). 1984-1989 йиллари - Тошкент давлат тиббиёт институти

болалар стоматология кафедраси клиник ординатори; 1989-1991, 1997-2001 йиллари - Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология поликлиникаси шифокор-ординатори; 1991-1995 йиллари - Биринчи тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси аспиранти; 2005-2009 йиллари - Тошкент тиббиёт академияси ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ассистенти бўлиб ишлаган.

1998 йилда “Профилактика и лечение вторичных деформаций зубных рядов в области премоляров” мавзусида номзодлик диссертациясини (илмий раҳбар: проф. С.А.Зуфаров) ҳимоя қилган. 2014- йилдан Тошкент давлат стоматология институти ортодонтия ва тиш протезлаш кафедраси доценти. Гавхар Эркиновна ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси ўқув ишларига жавобгар.

Арипова Гавхар Эркиновна томонидан 80 дан ортик мақола, 5 ўқув қўлланма, 13 методик қўлланма, 4 патент ва 2 рационализаторлик таклифлар муаллифи.

Доцент Муртазаев Саидазим Саидагзамович, 1976 йилда туғилган. В 1999 йили Биринчи тошкент давлат тиббиёт институти стоматология факультетини битирган (19-расм). 1999-2001 йиллари Биринчи тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси клиник ординатори; 2001-

2005 йиллари Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси аспиранти бўлган. 2005 йили 14-00-21 стоматология йўналиши бўйича «Клинико-биометрическая и рентгенологическая характеристика скученного положения фронтальных зубов нижней челюсти» мавзусида кандидатлик диссертация (илмий раҳбар: проф. А.Д. Абдуазимов) иштини ҳимоя қилган.

2005-2010 йиллари Тошкент тиббиёт академияси ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ассистенти; 2010-2014 йиллари Тошкент тиббиёт академияси ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти; 2014 й. ҳозирги кунга қадар Тошкент давлат стоматология институти ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси доценти.

2016 йили Тошкент давлат стоматология институтининг мустақил изланувчилар институтига ўқишга кирди. 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2017-2020 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳа иштини соврундори бўлиб, лойиҳага раҳбар этиб тайинланди. 2019 йили “Разработка дифференцированного ортодонтического лечения мезиальной окклюзии у детей” мавзусида докторлик диссертация иштини ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда, Саидазим Саидазамович ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси илмий ишларига жавобгар, у томонидан 70 дан ортиқ мақола, 3 ўқув қўлланма, 8 методик қўлланма, 3 патент ва 2 рационализаторлик тақлифлар қўлга киритилган.

Кафедранинг магистратура бўлими директори, тиббиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), ассистент Нигматова Ирода Маратовна.

Нигматова (Розметова) Ирода Маратовна 1979 йилда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган, ўзбек (20-расм). 1995 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди ва уни 2000 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедрасида клиник

ординатурага ўқишга кирди ва уни 2002 йилда тамомлаб, аввал ТДСИ Клиникасининг Ортодонтия бўлимида шифокор-ординатор ва 2019 йилдан Магистратура бўлими директори ва 2023 йилдан Тошкент давлат стоматология институти ўқув бўлими мудири лавозимида ишламоқда (21-расм).



Расм. 20.
Доцент
Ирода
Маратовна
НИГМАТОВА
(Розметова)
(1979 й.)



Расм. 21. Доц. И.М. Нигматова Магистратура битирувчилари билан.

Нигматова Ирода Маратовнадаги илмий изланишга чанқоқлик, уни 2014 йил декабридан бошлаб янги очилган Тошкент давлат стоматология институтининг Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедрасига мустақил изланувчи докторант сифатида илмий ишларни олиб боришга ундади. У 2019 йилда «Алмашинув прикус даврида тиш каторининг иккиламчи деформациясини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш» мавзудаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ёқлаган.

Ҳозирги вақтда доцент Нигматова Ирода Маратовна, докторлик илмий ишини тугатиб, уни расман ҳимоя қилиш босқичларидан ўтмоқда. Бажарилган докторлик илмий иш (DSc) мавзу: «Диагностика, профилактика и комплексное лечение аномалий прикуса у детей с нарушением речи».

Нигматова И.М. 200 дан ортиқ илмий, амалий, ўқув ва методик наслрлар муаллифидир. Шулардан ЎзР нинг 4 та Патенти, 4 та дарслик, 5 рационализаторлик таклифлари ва 120 дан ортиқ илмий ўқув ва ўқув-услубий наслрлар муаллифидир. У қатор халқаро илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этган.

Ҳозирги кунда Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедрасида проф. Р.Н. Нигматов, доц. Ф.А. Шомухамедова, доц. Г.Э. Арипова, доц. С.С. Муртазаев, доц. И.М. Нигматова, асс. Д.А. Сулайманова, асс. К.М. Акбаров, асс. Ш.Р. Расулова, асс. Ж.М. Қодиров, асс. Г.А. Муратова, асс. М.А. Мавлонова, асс. Юсупалиева К.Б., асс. С.З. Сотволдиева, ички ўриндош асс. С.Ж. Назаровалар фаолият юритмоқдалар (Расм. 22).



Расм. 22. Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси ходимлари (2024 йил)

Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедрасида ўқув услубий, ўқув методик ва маънавий-маърифат ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Жумладан, 4-5- курс талабалари учун ўзбек тилида (кирилл ва латин алифбосларида) 2 жилдлик “Ортодонтия” номли дарслик, 2 жилдлик “Ортодонтия ва болалар тишини протезлаш” номли дарслик, “Болалар тишларини протезлаш” номли дарслик ва қатор ўқув қўлланмалар chop этилди. Ортодонтия фанидан кадамма-кадам бажариладиган амалий кўникмалар тўплами рус, ўзбек (кирилл ва латин) ва инглиз тилларида chop этилиб, барча факультетларнинг 4-5 курс талабалари ва магистр, клиник ординатор ва ёш шифокорлар учун амалиётда унумли фойдаланишга асос яратилди.

Шу билан бир вақтда, кафедрада илмий ишларга ҳам эътибор кучайтирилди. Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедрасининг асосий илмий ишлар мавзуси: “Ички, ташқи ва шу жумладан, атроф-муҳит омилларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда юз эстетикасини, чакка пастки бўғимнинг функционал ҳолатини баҳолаган ҳолда, тиш-жағ аномалия ва деформацияларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш”. Ушбу асосий мавзу бўйича қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга бир нечта диссертациялар ҳимоя қилинди. Жумладан, номзодлик диссертациясини доц. Нигматова Ирода Маратовна “Диагностика и лечение речевых нарушений у детей с аномалиями зубочелюстной системы в период сменного прикуса” номли мавзу бўйича (илмий раҳбар, проф. Р.Н. Нигматов) (2018) ва доц. Муртазаев Садазим Саидагзамович (2019) докторлик диссертациясини ёқладилар.

Ҳозирги вақтда қатор ёш профессор-ўқитувчилар номзодлик диссертацияси устида изланиш олиб бормоқдалар. Улардан: асс. Акбаров Комолхон Саидолимович – “Совершенствование диагностики и ортодонтического лечения детей с перекрестной окклюзией в период сменного прикуса” мавзуси бўйича (илмий раҳбар, проф. Р.Н. Нигматов), асс. Расулова Шахноза

Расулжановна – “Совершенствование диагностики и лечения дистального прикуса с учетом компонента вертикального роста” (илмий раҳбар, доц. Г.Э. Арипова), асс. Кодиров Жасур Мавудович – “Сравнительная оценка результатов ортодонтического лечения сужения зубного ряда верхней челюсти с использованием различных методик несъемной техники” (илмий раҳбар, проф. Р.Н. Нигматов), Юсупалиева Камола Баходировна – “Ранняя диагностика и лечение детей с гипоплазией ветви нижней челюсти” (илмий раҳбар, проф. Р.К. Якубов), Нодирхонова Малика Олимжон кизи – “Совершенствование методов диагностики и лечения мезиальной окклюзии у детей со скелетом” (илмий раҳбар, проф. Р.Н. Нигматов) ва бошқалар.

Сўнгги 5 йил мобайнида кафедра ходимлари томонидан 550 дан зиёд илмий ишлар, 16 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма, 15 та ўқув услубий қўлланмалар, 6 рационализаторлик тақлифлар, 10 та Патент, 10 та монография ишлаб чиқилди.

Илмий текшириш ишларини олиб боришда Грант лойиҳаларининг ўрни бекиёсдир. Кафедранинг ходимлари томонидан Инновацион ва Фундаментал илмий тадқиқотлар танловида иштирок этиш учун ССВазирлигига бир нечта илмий лойиҳалар топширилди. 2018 йилда «Тиш-жағ тизими аномалияларини ривожланишини диагностикаси ва прогностлаш учун Cephalorго - дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа тан олинди ва ғолиб деб топилди (лойиҳа раҳбари, доц. С.С. Муртазаев). Лойиҳанинг рўйхат номери: ID ПЗ-20170929738

2023 йилда кафедрамиз иккинчи Давлат Грантига ҳужжатлар топширилди. Ушбу инновацион Грантнинг мавзуси: “Кохлеар имплантация ўтказилган болалар оғиз бўшлиғининг морфо-функционал ҳолатини баҳолаш, уларни ортодонтик даволаш учун ортодонтик аппарат яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш” (лойиҳа раҳбари, доц. И.М. Нигматова).

Тиш тизимининг аномалияларини юқори сифатли тезкор ташхислаш ортодонт ва пластик жарроҳнинг муҳим вазифаларидан

биридир, чунки у даволаш режасини тузиш ва унинг кўламини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат килади. Кўп йиллар давомида ортодонтлар рентген нурлари ва жағ моделларини текширишнинг турли усулларини таклиф қилишди. Хусусан, тиш тизимининг телерадиогенографик тадқиқотлари тиш ва тиш аномалияларини ташхислашда кенг қўлланилади. Алоҳида сегментларнинг бурчак ва чизиқли ўлчовлари рентген тасвирларида амалга оширилади. Ушбу тадқиқотларнинг ночорлиги шундаки, улар шифокорнинг кўп вақтини олади, ўлчовларнинг кўпчилиги ва юқори аниқликни талаб қилганлиги туфайли хатоларнинг юқори эҳтимоли, шунингдек, текширув натижаларини узоқ вақт сақлай олмаслик. Ушбу мақсадга эришиш учун сўнгги йилларда ортодонтияда тобора кўпроқ қўлланилаётган

компьютер технологияларидан фойдаланиш зарур.

Ушбу ҳолаттиш аномалияларини ташхислаш ва ривожланишини башорат қилиш учун маҳаллий диагностика дастурларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ушбу Лойиҳанинг мақсади ҳам шуки, унда тиш аномалияларини ташхислаш ва башорат қилиш учун дастурий таъминот технологиясини яратишдир.

Чет эл билан ҳамкорлик юзасидан кафедра ходимлари томондан турли мамлакатларга ташрифлар – Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Болгария, Германия, Россия, Беларусь, Қозғистон тиббиёт олийгоҳлари билан ҳамкорлик ишлари юритилган, чет эл олимлари ва етук мутахассислар Республикамизга таклиф қилинган ва уларнинг маърузалари ташкил қилинмоқда (23-27-расмлар).



Расм. 23. Америка, Испания ва Малайзия давлатлари вакиллари билан учрашув. Марказда ТДСИ ўқув ишлари бўйича проректор, проф. С.Р. Баймаков





Расм. 24. Америка ва Қозоғистон олимлари вакиллари билан учрашувлар



Расм. 25. Россия ва Қозоғистон олимлари: проф. Лебеденко Ю.С., проф. Рузуддинов С.Р., проф. Алтинбеков К.Д. ва бошқалар билан учрашув.



Расм. 26. Россиялик олим (Смоленск шаҳри), проф. Генали Н.В. билан учрашув.



Расм. 27. Бошқирдистон давлат тиббиёт институти, ортодонтия кафедраси мудир, проф. Аверьянов Сергей Витальевич томонидан ТДСМИ талабаларига кўргазмали маъруза ўтказиш.

Кафедрада 2 та ихтисослашган ўқув-амалий тўғарак мавжуд. Булар: “Ортодонт-техник” тўғараги (жавобгар шахс доц. Муртазаев С.С.), “Ортодонтияда Цефалометрия” тўғараги (жавобгар шахс ассистент Ш.Р. Расулова). Тўғаракларда талабалар, клиник ординаторлар ва магистрлар дарсдан ташқари вақтда мустақил ва педагоглар ёрдамида ўз билимларини ошириб боришмоқда.

2019 йилдан бошлаб кафедрада магистратура бўлими очилган. Унга магистратура бўлими директори этиб доц. Нигматова И.М. тасдиқланган. Ҳозирги кунда магистратура бўлимида 1 ва 2- курс талабалари билим оладилар. Ҳар бир курсга 8 тадан 14 тагача магистр талабаси билим олиб келмоқда. Уларнинг ўқув программасида тиш-жағ тизимида аномалия ва деформациялари бўлган беморларни ташхислаш, ортодонтик даволаш ва олдини олишнинг ортодонтия мутахассислигининг энг охириги ютуқлари ва ҳозирги замон талабига жавоб берувчи усуллари кенг ўргатилиб келинмоқда.

Магистратура бўлимидан ташқари клиник ординатура бўлими (жавобгар катта ўқитувчи Д.А. Сулаймонова) ҳам ёш мутахассисларни

етиштириб чиқаришда ўз самарасини бермоқда.

Маънавият-маърифат ишлари юзасидан ТДСИнинг Академик лицей билан бевосита ҳамкорлик ва Янгийўл туманидаги 40- ўрта мактаб, Тошкент шаҳрининг 8, 46, 64, 145- ва бошқа кўп мактабларда касбга йўналтириш ишлари, ҳамда профилактик кўрик ишлари олиб борилади. Барча педагоглар Республика Стоматологлар анжуманларида фаол қатнашиб келмоқдалар. Даволаш жараёнида янги асбоб-усулларни қўллаш, ташхис қўйиш, ҳамда замонавий инновацион услублар қўлланилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда ортодонтия фани илм жиҳатидан шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бундай кезкин ривожланиш на фақат ортодонтик беморларга ташхис қўйиш сифатини ошишида, балки ортодонтик даволаш самарадорлигига катта таъсир кўрсатмоқда. Кенг миқёсдаги янги ортодонтик ашпаратларнинг мавжудлиги на фақат шифокор ортодонтилар, балки беморларнинг ҳам ортодонтик даво тўғрисидаги фикрини тубдан ўзгартириб юборди.

ИНСТИТУТ ВА КАФЕДРА ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР



Кафедра мудири, проф. Р.Н.Нигматов семинар машғулотини ўтказмоқда



Талабалар тўғараги



Магистратура талабалари атрофида



5-курс талабаларининг семинар машғулот



А. Навоий кутубхонасига кафедра
ходимларининг ташрифи



«Маърифат ва маънавият» мавзусида
талабалар билан суҳбат



Кафедранинг магистратура битирувчилари (2023 йил)



Стоматология факультети талабаларининг «Ортодонтия» фанидан Олимпиада
голибларини тақдирлаш (2023 йил)



Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси ва поликлиникаси ходимлари (2024
йил)

Адабиётлар рўйхати

1. Альманах Ташкентского Ордена Трудового Красного Знамени Государственного медицинского института (1920-1980 гг.) / Под редакцией С.А. Арипова. Ташкент, "Медицина", УзССР, Наваи, 30. – Т.– 1980. – 219 с.
2. Бачило Е. История медицины: конспект лекций. Litres, 2022. – 282 с.
3. Мавлянова Н.Т., Бабаджанов А.С., Нигматов Р.Н. Становление и организация стоматологической помощи в Туркестанской Республике. / Среднеазиатский научно-практический журнал «Стоматологий», 2004, № 3-4 (25-26). –С.-117-118.
4. Нигматов Р.Н. Ортодонтия соҳасининг тарихий саҳифалари. / Монография. Тошкент, Фан. 2023.- 129 б.
5. Ортодонтия. // Нигматов Р.Н., Шомухамедова Ф.А. / Дарслик. Тиब्биёт олий ўқув юртларининг "Стоматология" факультети талабалари учун. - 1-жилд. -Т.-2020.-331 б.
6. Рамодин В.А. Великий ученый Сред-

ней Азии Ибн Сина (Авиценна) (980-1037). Изд. «Знание». М., 1952. 325 с.

7. Становление зубо врачевания в Туркестанском генерал-губернаторстве (1865-1917 гг.). / Мавлянова Н.Т., Ким А.Л., Нигматов Р.Н., Акилов Т.А. // Российский стоматологический журнал. М., Издательство «Медицина». 2004., № 4. – С.37-38.

8. Становление и развитие зубо врачевания в Центрально-азиатском регионе. / Мавлянова Н.Т., Ким А.Л., Нигматов Р.Н., Акилов Т.А. // Сборник научных работ. Материалы международной научно-практ. конф. "Проблемы современной стоматологии Казахстана" Часть –1. Алматы, 2004. С.-65-70.

9. Стоматология менежменти ва иқтисодиёти асослари. // Ризаев Ж.А., Маматкулов Б.М., Нигматов Р.Н., Тухтаров Б.Е., Мирворисова Л.Е., Нурмаматова К.Ч. / Стоматология ва болалар стоматологияси талабалари учун ўқув кўланма (рус ва ўзбек тилида).- Т. 2019. – 203 б.